

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БАРКАМОЛ
АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСТУВОР
ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

илмий-амалий конференция материаллари

2017 йил 17 май

| | | |
|---|---|----|
| | ечимлар | |
| Алимов Х.Х. | Касб-хунар коллежи тизимида соғлом турмуш тарзини яратишда ижтимоий ҳамкорлик йўллари | 57 |
| Алиева Ш. | Ўзбекистоннинг ноёб ва йўқолиб бораётган туёқли ҳайвонлари | 59 |
| Ахмедова Н.Ш. | Чет тил дарсларини ташкиллаштиришда компетент ёндашув интенсификация омили | 60 |
| Azizova O.Sh. | Sepsis muammosiga zamonaviy ko'z qarash | 61 |
| Баходирова З.Б. | Ахборот технологиялари асосида малака ошириш тизимини шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари | 63 |
| Волтаева I.T. | Shakldosh so'zlarning o'qitilishiga doir | 65 |
| Жамолхонова Д. Г. | Бошлангич таълим мазмунини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш | 67 |
| Жўраева Г. | Миллий тинчлик ва рамзлардаги шакллар психологияси | 69 |
| Жўраев Э.В. | Таълим жараёнини мақсадли такомиллаштириш – давр талаби | 70 |
| Зайнитдинова М.А. | Математикадан бўшлиқлар - мураккаб мавзулар билан ишлаш йўллари | 71 |
| Икрамова Д.М. | Чет тилини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари | 73 |
| Исматова Н.Қ., Зарипов Ф.М. | Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда миллий кадрлар ва маънавий меросдан фойдаланиш | 74 |
| Исматуллаев Ф.Р. | Умумтаълим мактабларида педагогик технологияларини қўллаш | 77 |
| Искандаров Ш.А., Бафоев Ф.Ф. | Амир темур даврида ўрта осий аҳолисининг этник хусусиятлари | 78 |
| Мамажонова К. А. | Ўқувчиларни касбга йўналтиришда корxonалар билан ижтимоий ҳамкорлик ишларини ташкил этиш масалалари | 80 |
| Majidov S.U. | Kitobxonlik kechalarini tashkil etish, kitobxonlik kechalarida badiiy adabiyotdan foydalanishning pedagogik jihatlari | 81 |
| Мардонов Ш.Қ., Алмаматов Т.А., Мардонов З.А. | Замонавий педагогик аксиология атамаларининг таълимни инсонпарварлаштириш жараёнига таъсири ҳақида | 84 |
| Матчанова М.М. | Киме дарсларида мустақил ишларнинг ўзига хос хусусиятлари | 86 |
| Махкамova Ш.Т. | Две формы речевой функции - основное средство общения | 87 |
| Мухаммадиев Қ.С. | Ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ривожлантиришга гайёргарлиги | 89 |
| Muhammadiyeva X.K. | Umumta'lim sifati va samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalaridan foydalanish omillari | 91 |
| Мусаева М. | Таълим-тарбия бериш жараёнида ўқувчиларни касбга гайёрлаш | 92 |
| Мусаева Д. | Узлуксиз таълимда коррекцион таълим бериш тизимини такомиллаштириш долзарб ижтимоий-педагогик муаммо сифатида | 94 |
| Миракмалов М.Т., Абдуллаева Д. Н. | Ўқувчиларнинг географик билимларини бойитишда замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол методларнинг аҳамияти | 97 |
| Мурадова М. | Ўзбекистонда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳозирги ҳолати | 98 |
| Мусурмонкулова О. | Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан | 99 |

| | | |
|---|---|-----|
| | Ўривли фойдаланишчилик | |
| Норбоев А., Акбаров Б. | Ўқувчиларни касб-хушга йўллатишнинг орқали умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хушга таълимни ушайлтириш таъминлаш | 100 |
| Норкулова Н.Т. | Ўзлуксиз таълим тизимида тилим технологиялари орқали ўқитувчиларда аффиляция мотивационни шакллантириш йўллари | 102 |
| Niyozmatov E.R. | Ta'limda pedagogik texnologiyalardan foydalanish tartibi | 104 |
| Пардаев Б. | Иновацион фаолиятни белгилончи муҳим омиллар | 105 |
| Ражабова Х.У. | Иновацион фаолият-давр талаби | 106 |
| Рўзиев Б.У. | Ўзбекистонда кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантиришнинг аҳамияти | 108 |
| Рўзиев Б.У. | Ташки савдо самарадорлигини ошириш йўллари | 109 |
| Рўзиев Б.У. | Оммавий маданиятнинг жамиятдаги ўрни | 110 |
| Саломова Б.В. | Оила, маҳалла ва ўзлуксиз таълимг ҳамкорлигида баркамол авлодни тарбиялаш масаласи | 111 |
| Санакулова А.Р. | Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш – муҳим педагогик муаммо сифатида | 114 |
| Соипова М. | Ўзликни англашда коинот психологияси | 116 |
| Темиров Д.Ш. | Давлат ва жамоатчиликка асосланган бошқарув (таълим муассасаси мисолида) | 117 |
| Тожимаматов И.Н. Халимова Ш.Т. | Ўқитувчининг компетентлик ёндашуви асосида информатика фанини ўқитишидаги ўзига ҳос жиҳатлар | 119 |
| Тожимаматов И.Н. Раҳмоналиева М.Т. | Информатика фанини ўқитиш жараёнида компьютер ўйинларидан фойдаланишнинг ўзига ҳос хусусиятлари | 121 |
| Тожимаматов И.Н. Умарова Ш.Б. | Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатни инновацион ташкил этишда модулли технологиялар | 122 |
| Тошпулатов Т.М. | Роль самостоятельной работы студентов в учебном процессе | 124 |
| Турсунбаев Б. | Практические аспекты формирования коммуникативного подхода в развитии языковой личности при обучении иностранному языку | 125 |
| Убайдуллаев У.Р. | Опыт германии по развитию туризма на сельских территориях как фактор инновации | 127 |
| Умаралиева М. | Ўзлуксиз таълим тизими жараёнида ёш ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга замонавий ёндашувлар | 129 |
| Умарова Ш.У. | Умумий ўрта таълим мактабларида экологик таълим-тарбия беришда география фанинг аҳамияти | 130 |
| Хасанова Ш.Т. | Болаларни тарбиялашда байрам ва кўнгилочар соатларнинг аҳамияти | 133 |
| Найтив В.Т. | Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari fanining umumta'lim muassasalarida o'qitilishining dolzarb masalalari. | 134 |
| Холиқназаров Р.Х. | Таълим беришда ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари | 136 |
| Хурвалиева Т.Л. | Мактабгача ёшдаги болаларда ижтимоий кўникмаларни шакллантириш | 138 |
| Шахназарова М.Т. | Она тили дарсларида замонавий ўқитиш методларидан фойдаланиш йўллари | 140 |
| Шомуротова Н.Н., | Таълим жараёнида муаммоли таълим | 141 |

педагогикани технологиялаштириш мумкин. Технологияларни педагогик амалиётга қўллаш янги имкониятларга олиб келади ва таълимнинг натижавийлиги ва маҳсулдорлиги билан ажратиб туради.

Педагогик технология аниқ мавжуд бўлган, яхши натижа берган жараён механизмларига суянади. Олдиндан тажрибадан ўтган, аниқ кетма-кетликда педагогик жараённи қўллайди ва кафолатланган натижани беради. Яъни, таълимни олиб борувчи технология элементларини, тайёр ҳолдаги технологик харита асосида амалга оширади. Тайёр ҳолдаги технологиялар аввал тажриба-синовдан ўтган юқори кўрсаткич берганлари истеъмолга киритилади. Бизга маълумки, педагогик жараёнлар педагогик тизим ичида кечади. Илгаридан лойиҳалаштирилган ҳар бир дидактик жараён маълум принципиал имкониятларга эга бўлиб, у ўқувчида билим, кўникма, малакаларнинг сифатли шаклланишини кўзда тутати. Бу деган сўз, биз таълим ва тарбияда зарурий даражадаги натижани олиш учун педагогик тизимни такомиллаштириш, унинг функциясини ижобий томонга йўналтиришимиз, интенсив педагогик жараённи вужудга келтиришимизни тақозо этади.

Бундан хулоса шуки, таълим-тарбияда сифатли, самарали натижани олиш учун мавжуд педагогик тизимни модернизациялаштириб боришимиз керак.

Шу муносабат билан инновацияларнинг объекти сифатида қуйидаги педагогик муаммоларни келтириш мумкин: қандай қилиб ўқув-тарбиявий фаолиятнинг мотивациясини ошириш; қандай қилиб дарсда ўқув материалларининг мазмуни ва ҳажмини ошириш; қандай қилиб ўқув жараёни самарадорлигини ошириш; таълим жараёнида вақтдан унумли фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг шахсий иштироки, фаоллиги ва масъулиятини ошириш. Бу соҳада энг тўғри йўл – янгиликларни аста-секинлик билан, кетма-кетликда, унинг натижавийлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда, ҳар томонлама ўйлаб, ўлчаб навбатдаги қадамларни босиш керак.

Бунинг учун инновацияларни педагогик жараёнга киритиш йўлларини белгиллаб зарур: яъни, янги педагогик ғояларни шакллантириш, концепцияни ишлаб чиқиш, дастур яратиш, ижро механизмни ишлаш; амалиётга жорий этиш лозим.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁ АҲОЛИСИНING ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.А.Искандаров, Тошкент Тиббиёт Академияси Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Ф.Ф. Бафоев, Тошкент Тиббиёт академияси Даволаш факультети 2-босқич талабаси

Ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиши ва этник хусусиятларнинг ўрни бекиёсдир. Шу боисдан ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида Ўрта Осие аҳолисининг этник жараёнларини ўрганиш бугунги кунимиздаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистан тарихининг залворли энг муҳим бобларидан бири ҳисобланган Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давридаги этник жараёнларни янада чуқурроқ ўрганиш ўзбеклар этнологиясининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур усувдор мавзу бўйича илмий маълумотлар К.Шониезов, А.Аскарров, И.Жабборов, О.Бўриев¹⁶ каби олимларнинг мустақиллик даврида ёзган салмоқли монографияларида келтирилган. Аммо бу долзарб муаммони тарих - этнология бўйича олдин илмий муомалага киритилмаган, янги маълумотлар асосида янада теранроқ тадқиқ этиш бўйича изланишлар изчил давом эттирилмоқда.

¹⁶ К.Шониезов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Т., 2001; А.Аскарров. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. - Т., 2008; И.Жабборов. Ўзбеклар. - Т., 2007; О.Бўриев. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномадания жараёнлари. - Самарқанд, 2008.

Рус шарқшуноси А.Хорошхин "Туркистонга оид мақолалар мажмуаси" асарида XIII асрда Чингизхон билан келган қабилаларнинг ҳаммасини мўғуллар деб ҳисобловчиларга эътироз билдиради ва агар уларнинг ҳаммаси мўғул бўлганида, ҳеч бўлмаганда тиллари сақланиб қоларди, деб эсади Кейинги тадқиқотлар Чингизхон кўшинининг тахминан 95 фоизи туркий қабилалар эканлигини исботламоқда.

XIII-XIV асрлар биринчи ярмида **олчин, дуглат, мўнгул, сулдус, ўйрот, баҳрин, меркит, мангит, кўнгирот** ва бошқа қавмларнинг баъзи гуруҳлари Ўрта Осиёга келишган.¹⁷ Бу қавмларнинг Ўрта Осиёга келиши **туркий** қавмлар ҳаётига сезиларли таъсир ўтказган. Кўчиб келган **туркий** қавмлар маҳаллий **туркий** аҳолига ўхшаш бўлса-да, аммо баъзи жиҳатлари билан ҳам ажралиб турган.

XIII-XIV асрларда Ўрта Осиёга келган **турклашган мўғул** қабилалари Мўғулистондан чиқиб дастлаб Енисей ҳавзаларида, Шарқий Туркистонда, Дашти Кипчак ва Еттисув вилоятларига туркий қавмлар билан биргаликда қоришиб кетишган ва сўнгра Ўрта Осиёга кириб келишганда уз тилларида эмас, балки фақат **туркий**да сўзлашишган. Уларнинг энг асосий қисми она ватанларида қолиб кетишган. Ажралиб чиққан айрим гуруҳлари эса Ўрта Осиё ҳудудига, хусусан Хоразм ва Тошкент воҳаларига келиб жойлашишган.

Улусни соҳибқирон Амир Темури кўрагоннинг улуг аждоди Қорачор нўён, унинг ўғли Инжил нўён, сўнг Илангиз ва Амир Беркал бошқаришган. Беркал вафотидан сўнг барлосларнинг нуфузи эътибори синди. Улусда гўрт қабила **арлот, жалойир, қовчин**, барлослар бўлиб, нуфузли ва энг кучлиси **барлослар** ҳисобланган. Амир Беркалнинг ўғли Тарагай баҳодир бўлиб, юзбошлик қилган Амир Тарагай оғир дардга чалинган, измини 24 ёшли Темурибекка топширади.¹⁸

Ўрта Осиёда бу даврда салохиятли этник гуруҳлар - **қарлук, чингил, халач, аргун, кипчак, ўгузлар** яшаган. Уларнинг аксарият қисми XIV-XV асрларда турғунлашиб, маҳаллий аҳолига сингишиб кетганлар.

Амир Темури давлатида сиёсий бошқарув ва ҳарбий тизимда **жалойир, қовчин, арлот** каби қавмлар етакчи ўринда турган. 1370 баҳорида Балхда Амир Темури ҳокимиятга келишини Термиз саййидлари Абулмаолий ва Али Акбарлар, дин пешвоси Саййид Бараха билан бирга Чигатой улусининг таникли амирлари - Шайх Муҳаммад Баён Сулдус, Кайхусрав Хутталоний, Ўлжойту Апарди, Муъаййид Арлот, Довуд Дуглат, Сари Буга Жалойир, Жоку Барлос, Зинда Чамши Апардий, Шоҳ Муҳаммад Бадахшон, Хусайн Баходур қабилар қўллаб қувватлашган.¹⁹

Амир Темури давлатида **барлос, йасурий, жалойир, сулдус, улус, апарди, арлот** қабил ал ари Хутталон амирлари ҳам сиёсий мавқега эга бўлишган. Асосан амирлик даражасига ҳам шу қабилалардан лашкарбошилар кўтарилган. Соҳибқирон давлатида ҳарбий тамга идора усули мавжуд бўлган.

Дарҳақиқат, "Темури тузуқлари" да айд этилганидек, "Қарамоғимдаги қирқ аймоқдан қуйидаги ўн иккитасига тамга берилсинки, булар менинг хос навкарларим бўлиб ҳисоблансинлар: **барлос, тархон, аргун, жалойир, тулкичи, дулдай, мўғул, сулдус, туғой, кипчак, орлот, тотор**."²⁰ Бу қавмлар Соҳибқирон ҳарбий куч-қудратини қўллаб қувватлашган ва уларнинг сиёсий - ижтимоий ҳаётдаги мавқеи анча баланд бўлган.

Ушбу нуфузли 12 қавм орасидан Соҳибқирон энг истеъдодли кишиларни танлаб олиб, уларни энг масъул вазифаларга тайинлаган. Кўпинча Соҳибқироннинг йирик саркардалари **барлос** уруғи вакилларидан қўйилган. "Тузуқлар" да таъкидлаганидек, **барлос** уруғидан гўрт киши амир ул умаро (бош амир) ҳисобланган: Амир Худойдод, Амир Жоку, Амир икки Темури, Амир Сулаймоншоҳ. Бу уруғдан яна 100 киши мингбоши лавозимига кўтарилган.

¹⁷ К.Шониёзов. Ўзбек элқининг шаклланиш жараёни. - Т., 2001 Шарқ Б. 389.

¹⁸ Б.Аҳмедов. Амир Темури. - Т., 1995. Б. 7-15.

¹⁹ Шарофуддин Али Йўзғий Зафарнома. - Т., 1997. Б. 67-68.

²⁰ Темури тузуқлари. - Т., 1991. Б. 86.

Амир Жалолиддин Барлосга учинчи амир даражаси берилган, Амир Абу Саййид тўққизинчи амир даражасига кўтарилган. Барлосларнинг асосий қисми юқори Қашқадарёда (Шахрисабз вилоятида) яшаганлар.

Хуллас Амир Темуր даврида Ўрта Осиё аҳолиси этник хусусиятларига кўра, аҳолининг асосий катта қисмини, ўтроқ яшовчи туркий тили аҳоли ташкил этган. Амир Темуր ва temuрийлар даврида туб ер элатлар билан ярим ўтроқ аҳолининг этноданияти хусусиятларни бир бири билан ўзара яқинлашувни кузатиш мумкин.

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ҚОРХОНАЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

К. А. Мамажонова, Жиззах давлат педагогика институти

Бугунги кунда чет эл таълим тизимидан андоза олиб, таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш қорхоналари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик ишлари, фирмалар билан алоқалар ўрнатиш масалалари таъсия қилинмоқда.

Таълим муассасаси билан ижтимоий ҳамкорлик масаласи жамият миқёсидаги энг долзарб масалалардан биридир. Ижтимоий ҳамкорлик фақат ҳамкорларнинг бир томонлама муносабатлари ва манфаатларини эмас, балки ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлган алоқаларни самарали тарзда ташкил этишни назарда тутди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган юқори малакали кичик мутахассислар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимининг асосий бўгинларидан бири бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг ҳам зиммасига юклатилган. Ушбу маъсулиятли вазифани амалга ошириш учун ишлаб чиқариш қорхоналари билан умум ўрта таълим мактаблари ўртасида мустақкам алоқаларни ўрнатиш, бошқача қилиб айтганда ўзaro манфаатли ижтимоий ҳамкорликини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Биз ўрганиб чиқажан кузатишлар ва илмий таҳлиллар асосида аниқланган қуйидаги маълумотлар мазкур муаммонинг долзарблигини яна бир қарра тасдиқлайди:

- умум ўрта таълим мактабларининг 8-9 синфларида касбга йўналтириш ишларида олиннадиган кўникма ва малакалари билан ишлаб чиқариш қорхоналари талаблари ўртасида номуаносибликларнинг мавжудлиги;

- қорхона ва муассасаларда ташкил этилиши лозим бўлган ёзги ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишда кийинчиликларнинг мавжудлиги;

- кичик мутахассислар тайёрлаш учун ишлаб чиқилган ўқув дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчан эмаслиги;

- ишлаб чиқаришдаги техника ва технологиялар билан умум ўрта таълим мактабларидаги моддий-техника база ўртасида номуаносибликлар мавжудлиги;

- касбга йўналтиришда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш қорхоналарига етарлича жалб этилмаслиги;

- меҳнат таълими ва касбга йўналтириш ўқитувчиларининг касбий малакаларини ошириш ёки қайта тайёрлаш курслари ишлаб чиқариш қорхоналари базасида ташкил этилмаслиги;

- меҳнат бозори талаблари ҳамда мутахассисларнинг билим, кўникма ва малакаларига бўлган талабларни ўрганилмаганлиги, таҳлил қилинмаганлиги ва шу қабилар.

Касбга йўналтириш жараёнида ўқувчиларнинг ижтимоий ҳамкорлар билан иш олиб бориш самарасининг кўрсаткичлари ва амалга ошириш йўлларини қуйидагича деб олинимиш мумкин:

- * меҳнат бозорида янгилик яратувчи (ижодкор мутахассислар) га талаб мавжудлиги;

- * таълим хизматлари бозорида касб-ҳунар коллежига талабнинг мавжудлиги;

- * меҳнат бозоридаги мақбуд ижтимоий ҳамкорлар тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш;

*истикболли иқтисодий тармоқлари, корхоналар ва касблар ҳақидаги маълумотлар ва кўргазмали қуроллар ва воситалардан фойдаланишни кучайтириш;

*корхоналар билан ҳамкорлик қилишнинг мақсадини белгилаб, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш,

*меҳнат бозордаги талаб ва тақийф ҳамда касбларга бўлган эҳтиёж истикболларини таҳлил қилиш.

*корхона ходимларининг турли тоифалари бўйича ижтимоий ҳамкорликка тааллуқли вазифа ва мажбуриятларни кўзда тутувчи лавозим йуриқномалари билан ўқувчиларни таништириш;

*Васийлик Кенгаши ва унинг фаолияти натижаларини кучайтириш

Амалий фаолиятга политехник тайёрлаш ишига нисбатан ижодий ёндошишни ривожлантиришни тақозо этади, чунки ҳозирги замон корхоналарида малакали ишчиларни ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, мосламаларни фойдали иш коэффициентидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва универсаллигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнининг таннархини пасайтириш, мосламаларнинг ихчамлигини таъминлаш, хавфсизлик техникаси ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда техника эстетикаси нормалари ва талабларини ҳар томонлама жорий этишлари ишлаб чиқаришни рационализация қилишда бевосита қатнашишга тўғри келади.

Мана шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини меҳнат таълими дарслари орқали корхоналар билан ижтимоий ҳамкорликда, масалан, ҳар бир асбобларни конструкциялаш ва модернизациялаш каби ишларга ўргатиш фойдалидир. Шу асосда улар саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг анча мураккаб ижодий вазифаларини амалга оширишга эриша оладилар.

КЎТОВХОНЛИК КЕЧАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, КЎТОВХОНЛИК КЕЧАЛАРИДА БАДИИЙ АДАБИЙОТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИНАТЛАРИ

S.U.Majidov, Nizomiy nomidagi TDPU Tarix fakulteti 1-bosqich magistranti

Vatanga fidoyi farzandlarni tarbiyalashda tarix fanining ahamiyati katta. Zero, shu fan orqali bola qalbiga Vatani tuyg'usi, mardlik, jasorat, qahramonlar ibrati va oliyanoblik fazilatlarini kirib boradi. O'quvchilar o'quv materialining asosiy mazmunini sinfda dars davomida o'zlashtirib oladilar, albatta. Biroq, o'quvchilarning Davlat ta'lim standarti, fan dasturi yuzasidan o'rganishi zarur bo'lgan bilim va malakalarning hammasini ham sinf-dars mashg'ulotlari doirasiga sig'dirib bo'lmaydi. Buning usliga tarixiy, ilmiy va siyosiy ma'lumotlar hajmi tez kengayib, muttasil oshib borayotgan sharoitda o'quvchilar o'z bilimlarini tinmay to'ldirib borishlari uchun sinfdan tashqari ishlarni yaxshi yo'lga qo'yish g'oyat zarurdir. Shuningdek, o'quvchilarning intellektual qobiliyatini o'stirishda, ularning chuqur bilim olishini ta'minlashda, tarixiy tafakkuri va ongini yuksaltirishda sinfdan tashqari ishlarning o'rni muhim hisoblanadi, bu xususan maxsus Konsepsiyada talablar qo'yilgan.

Kitob bergan ta'lim-tarbiyani ota-ona berolmas, deb xalqimiz bejiz aytmaydi. Kitob mutolaasi tafakkurni boyitadi, ma'naviyatni yuksaltiradi. Qalbni Vatanga muhabbat, yurtga sadoqat, odamlarga mehr-oqibat tuyg'ularini kamol toptirishning eng yaxshi vositasi kitobdir. Bugun kitobxonlik, mutolaa madaniyati davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentning 2017 yil 12 yanvardagi "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida"gi farmoyishi ayni muddao bo'ldi.

Tarix sevib o'qiladigan fandir. Uni o'rganish jarayonida o'quvchilarda o'tmishni puxta bilishga intilish ortib boradi, ularda bu intilishni amalga oshirishda esa sinfdan tashqari ishlarning ahamiyati kattadir.